

МУТРИБ ДЕВОНИНИНГ ЦУЛЕЗМА МАНБАЛАРИ

Мадирирова С.М.*

РЕЗЮМЕ

Макрлада XIX аср охири - XX аср бошлари Хоразм адабий мухитида яшаб ижод цилган шоир Мухаммад Хасан Мутриб девонининг кулёзмаларига дойр маълумотлар тахлил этилган. “Девони Мутриб Хонахароб” манбалари илмий тавсифи ва тадд^и^и асосида эътиборгамоликумумлашмалар чиқарилган.

Калит сузлар: гфлёзма, манба, матн, таблица, тавсиф, дебоча, хотима, циёсий тахлил, газал, мухаммас, мусаддас, шеър, поэзия.

XIX аср охири - XX аср бошларида Хоразмда Мухаммад Рахимхон Феруз атрофида узига хос адабий мухит юзага келди. Табибий, Баёний, Аваз Утар, Чокар, Мунзим каби ижодкорларнинг бизгача етиб келган асарлари ана шу адабий мухит хакида муайян тасаввур беради. Мазкур ижодкорлар мероси буйича илмий тадқикотлар олиб борилган. Бирок, кариб ярим аср мукаддам бажарилган биргина номзодлик диссертациясини истисно килганды, сермаҳсул ижоди билан мазкур адабий мухитда узига хос урин тутган зуллisonайн шоир - Мухаммад Хасан Мутриб лирик мероси талаб даражасида таджик килинган эмас. Шоирнинг бизгача етиб келган катта хажмдаги мукаммал девони ва иккита кичик девони матншунослик аспектида Урганилиши хануз кун тартибида турибди.

Адабиётшунослигимизда Мухаммад Хасан Мутриб хакидаги дастлабки илмий мурлоҳаза академиклар Ботир Валихужаев ва Воҳид Абдуллаев томонидан билдирилган. Ҳаммуаллифликда эълон килинган мазкур маколада Мутриб шеърияти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чокар, Мунзим каби шоирлар асарлари билан киёсий Урганилади, шу асосда умумлашма фикрлар билдирилади [1].

Адабиётшунос олимлар О.Шарифиддинов [2], М.Юнусов [3], А.Бобохужаев [4] ва Г.Муминовнинг [5] XX аср бошлари поэзияси хакидаги тадқикотларида Мутриб ва унга замондош шоирлар давр хаётида мухим из колдиргани таъкидланиб, ижодкор асарларига юкори баҳо берилади.

Филология фанлари номзоди Ф.Еанихужаев Алишер Навоий ва бошка илгор узбек адабларининг давомчилари сифатида Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Утар угли ва Баёнийлар каторида Мутриб ижодий мероси хакида хам эътиборга молик фикрларни билдиради. Бирок бу тадқикотларда хам адабиётга уша давр хукмрон мағфураси нуктаи назаридан баҳо бериш тамойили етакчилик киласи [6].

Н.М.Маллаевнинг “Классик адабиёт бойикларини чукур урганийлик ва кенг оммалаштирайлик”[7] маколасида Аваз Утар углига замондош булган Мутриб Хонахаробий, Мирзо сингари шоирлар асарларини чоп этиш ва кенг оммалаштириш зарурлиги хакида ёзди.

Мутрибнинг маҳсус тузилган девонлари, шеърлари киритилган куплаб - Хива баёзлари, мажмува ва тазкираларни Урганиш, адабиётимиз тарихида тутган урнини белгилаш мухим эканини таъкидлаш керак. Мутрибнинг кискача биографияси ва шеърларидан намуналар илк бор “Узбек адабиёти”

хрестоматияси бешинчи томи иккинчи китобида [8] эълон килинган. Лекин 10 та газал, 1 та мусаддас ва 1 та маснавийдан иборат бу шеърлар, табиийки, шоир лирик мероси хакида тулаконли тасаввур бера олмайди.

Хозирги кунда шоир девонининг бизгача бир канча кулёзма нусхалари етиб келган булиб, улардан учтаси УзРФА Шарқшунослик института кулёзмалар фондида 2679 [9], 903/V[10], 906-VII [11] - инвентарь ракам ли кулёзмалар ва биттаси мархум адабиётшунос олим Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сакданади [12].

Уз РР А Шарқшунослик института кулёзмалар фондида сакланётган 2679-инвентарь ракамли “м.1.Д <J U. O - “Девони Мутриб Хонахароб” кулёзмаси 1320 (милодий 1902) йилда котиб Мулла Абдулкарим ибн Мухаммадраҳим мархумий ибн Пахлавон Ниёз мирзобоши мархумий томонидан кучирилган. Кулёзма 498 сахифа (249 варак)дан иборат. Зуллisonайн шоирнинг 707 та газал, 16 та мухаммас, 8 та мусаддас ва 2 та касидаси ушбу кулёзмадан жой олган. Кулёзма хошияларида хам бир канча газал, мухаммас, мусаддас хамда кас и да л ар битилган. Манба матни чиройли настаълик хатида, кора сиёҳда кучирилган булиб, хар бир жанр сарлавхаси куйидагича кизил сиёҳ билан аввал ракам, жанр номи, шоир исми ва тахаллуси билан “/ газал, Мутриб Хонахароб”, “I мухаммас, Мутриб Хонахароб”, “I мусаддас, Мутриб Хонахароб”, “Дасида, Мутриб Хонахароб тартибида берилади. Девон сахифаларининг изчилигини курсатиш максадида пойгир берилади. Пойгир: “б” сахифанинг биринчи сузи “а” сахифанинг пастки кисмида кия шаклда берилади. Кулёзма сахифалари мукаммал булиб, матн яхши сакланган. Кулёзма “Бисмиллохир рахмонир рахим”дан бошланиб, биринчи газал “Мухаммад Хасан девон мутахаллиси бил - Мутриб Хонахароб валади Дожи табиб” сарлавхаси билан берилади.

Мутриб девони анъанавий тарзда хамд-газал билан бошланади:

Зи>fi жонларга ҳамдингдин булуб файзу сафо пайдо,

Хаёлингдин кунгулларга булуб ҳар муддао пайдо.

Девоннинг хотимасида котиб томонидан куйидаги маълумотлар ёзил куйилган:

*Саховат маснади узра ҷаёнга цилса нazzора.
Бори эл лутфу эҳсони била қувватмадор улди.*

* Мадирирова С.М. -ТошДУТАУ уқитувчиси.

Котиб Мулла Адбул карим ибн Мухаммадрахим мархумий ибн Пахдавон Ниёз Мирзобоши мархумий. Сана 1320”.

М.Пирназаров номзодпик диссертациясида адабиётшунос олим Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сакланаётган ' $>\blacksquare\blacksquare!^*$ ' ч>>»~'ЛР" - "Девон и Мутриб Хонахароб" кулёзмаси хакида батафсил маълумот беради [13].

Мутрибининг ушбу девони 1327 (милодий 1909) йилда Мухаммад Шариф бин Мухаммад Ёкуб девон - Харрот томонидан Хивада кучирилган. Кулёзма 300 сахифадан иборат. Кулёзма хошияларига хам бир канча газал ва мухаммаслар битилган. Матн настаълик хатида, кора сиёҳда кучирилиб, хар бир шеър бошида шоир исми кизил ранг билан "ч[^] Ц*" и - тарзида битилган. Кулёзма сахифалари яхши сакланган. Кулёзмада 875 та газал, 16 та мухаммас, 5 та мусаддас, иккита касида жамланган. Девоннинг биринчи сахифасида "Мухаммад X^{acat}< девон мутахаллиси Мутриб Хонахароб валади X^{oжи} табиб" - деб, хотима урнида эса, кучирувчи томонидан ушбу маълумотлар ёзиб куйилган: "...Мухаммад Шариф бин Мухаммад Ёкуб Девон мулаккаби бил-Харрот ёзиб тамомга еткурди. Сана: 1327".

1320 (милодий 1902) йилда хамда 1327 (милодий 1909) йилда кучирилган "Девони Мутриб Хонахароб" кулёзмалари девон тузиш анъаналарига туда мувофик келади. Ушбу кулёзмалар УзРФА Шаркшунослик институти кулёзмалар фондида 903/V, 906/VII - инвентарь ракамлари билан сакланади. Мутрибга замондош булган бошка шоирларнинг девонлари хэм мазкур кулёзмалардан Урин олган.

Настаълик хатида кучирилган 903/V инвентарь ракамли кулёзмада девонларнинг жойлашиш тартиби куйидагича: Девони Нозир, Девони Пуркомил, Умидий Хаёлий, ва Мутриб девонлари. КУлёзманинг умумий хажми 273 варак, 546 сахифадан иборат. Шундан 70 вараги девоннинг сунгида, яъни 273“ бетида "Котиб Мулло Каримберган девон ибн Рахимберган девон" экани айтилган. Девонга шоирнинг 416 та газал, 14 та мухаммас, 2 та мусаддас ва битта касидаси киритилган. Газалларнинг 245 гаси узбек тилида, 171 таси форс-тохиж тилида ёзилган.

Мутриб буюк салафлари Навоий, Жомий, Зебуннисо хэмда замондошлари Равнак, Мунис, Феруз, Навраз, Амир, Табиийларнинг узбек, форс- тохиж тилидаги шеърларига мухаммаслар болаган.

УзР ФА Шаркшунослик институти кУлёзмалар фондида сакланаётган 906/VII - инвентарь ракамли кулёзма хам 903/V - инвентарь ракамли кУлёзма сингари бир неча девонлар мажмуасидан иборатdir.

Ушбу кулёзмада Мутрибга замондош булган унта шоир: Муродий, Фаррух, Доий, Ожиз, Хокий, Девоний, Мутриб, Налимий, Ходим ва Чокар девонлари бир мукова остига жамланган. Кулёзма 674 сахифадан иборат булиб, унинг котиби ва кучирилган вакти хакида маълумот берилмаган. Факат Мутриб ва Надимий девонлари хотимасида "Котиб Мулло Болтаниёз бин уста Курбонниёз мулаккаби Харрот" экани кайд этилган. Кулёзманинг 248-280 сахифаларидан урин олган Мутриб девони таркибидан шоирнинг 304 та газал, 6 та мухаммас ва битта касидаси жой олган.

УзР ФА Шаркшунослик институти кулёзмалар фондида сакланаётган 903/V, 906/VII инвентарь ракамли кулёзмаларни УзР ФА Шаркшунослик институти кулёзмалар фондида сакланаётган 2679-инвентарь ракамли кулёзма хамда Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сакланаётган "ч> LA чо[^] 'ЕР" - "Девони Мутриб Хонахароб" кулёзмаси билан киёсий Урганиш натижалари шундан далолат берадики, уларнинг хажми нисбатан кичик ва шоир адабий меросини тулик камраб олмаган. Шунга карамай, бу кичик девонлар шоир шеърларининг мукаммал илмий-танкидий матнини яратишда мухим манба булиб хизмат киласди.

"Девони Мутриб Хонахароб"нинг 1902 йилдаги кулёзмасида 8 мусаддас берилган булса-да, кучирилиши кейинги даврга мансуб булган (1909 йил) кулёзмада 5 та мусаддас жой олган. Тазаллар эса, аксинча, 1909 йилда кучирилган кулёзмада купрок - 875 та (1902 йилда кучирилган кулёзмада 707 газал). Мухаммас ва касидаларнинг миқдори бир хил. Бундан маълум буладики, бизнинг кУлимиздаги 1902 йилда кучирилган кулёзма нисбатан мукаммал хисобланади. Шу сабабли, Мутриб девонини нашрга тайёрлашда ийгма-киёсий матн тузиши максадга мувофик булади.

Хулоса килиб айтганда, Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сакланаётган кулёзма хамда УзРФА Шаркшунослик институти кулёзмалар фондида сакланаётган 2679-инвентарь ракамли кулёзмаларни киёсий урганиш, шоир адабий мороси хакидаги мавжуд тасаввурларни бойитади. Манбаларнинг киёсий тадқики асосида ижодкор лирик асарларнинг мукаммал илмий-танкидий матнини яратиш, матн тарихини урганиш матншунослик олдида турган долзарб муаммолар- дандир. Бу каби вазифаларнинг бажарилиши истикболда Мухаммад Хасан Мутриб ижодий меросининг адабиёт тарихидаги узига хос урнини белгилаш ва ижодкор маҳорати сирларини кашф этиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев В., Валихужаев Б. "Улуг Октябрь социалистах революциясининг арафаси ва гражданлар уруши даврида узбек поэзияси" Алишер Навоий номидаги УзДУ нашри. Самарканд, 1958, 3-9- бетлар.
2. Шарафиддинов О., Йиллар ва йуллар. "Адабиётимизнинг ярим асри" мажмууси, Ф.Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1967, 172-бет.
3. Юнусов М., "Традиция ва новаторлик проблемаси", "ФАН", Тошкент, 1965.

4. Бобохужаев А., Йигирманчи йиллар узбек совет поэзиясида замонавийлик учун кураш”, номзодлж диссертацияси, Тошкент, 1964.
5. Муминов Ф., “Тардиция ва маҳорат”, “ФАН”, Тошкент, 1968, 91-бет.
6. Ганихужаев Ф., “Ахмаджон Табибийнинг хаёти ва ижоди”, номзодлик диссертацияси. Тошкент. 1969.
7. Маллаев Н.М., “Классик адабиёт бойликларини чукур Урганайлик ва кенг оммалаштирийлик” поили макола. “Уқитувчилар газетаси”, 1957, 12 март.
8. Узбек адабиёти, Хрестоматия, 5 том, II китоб, Тошкент, 1968.
9. Девони Мутриб Хонахароб. Кулёзма инв. раками кулёзма №2679.
10. Девони Мутриб Хонахароб. Кулёзма инв. раками кулёзма №9О6-V1I.
11. Девони Мутриб Хонахароб. Кулёзма инв. раками кУлёзма №903-V.
12. Девони Мутриб Хонахароб. Кулёзма. Шахсий кутубхона.
13. Пирназаров М., “Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йули” номли илмий даражасини олиш учув ёзилган диссертация. Самарканд, 1973, 11-бет.

РЕЗИОМЕ

В статье затронут вопрос относительно источников дивана Мухаммада Хасан Мутриба, одного из плодотворных поэтов живших в конце XIX-XX вв. в Хорезмской творческой среде.

Также приведены научно обоснованные сведения о диване поэта и его рукописных вариантах. Исследование рукописей дивана «Дивани Мутриб Хонахароб» по направлениям источниковедения ■ текстологии играет большую роль в определении творческого наследия Мутриба Хонахароба.

Ключевые слова: рукопись, источник, текст, исследования, инвентарь, число, эпилог, заключения, сравнивание, газель, мухам мае, стих, пайгири (сноска).

RESUME

In the article it is written regarding the works of one of the productive poets, Mukhammad Khasan Mutrib who led a life in the late 19th and in the beginning of 20th centuries literal period in Khorazm. Moreover, it is illustrated some scientifically proven datum about the clause, article as well as about the copies of manuscript. The article “Devom Mutrib Khonaxarob” takes vitally important role with the feature that it indicates Mutr Khonaxarob’s whole legacy of creative works involving tautology and source ology.

Key words: manuscript, source, text, analysis, inventory number, introduction, conclusion, compare, gazal. muxammas, musaddas, poem, explanation.